

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

ҚАРДОШЛИК

МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯНИНГ ЁРҚИН МУВАФФАҚИЯТИ

Озарбайжон Республикасининг маданият ва спорт соҳасидаги ташаббуслари, маданий дипломатиясининг муваффақияти халқаро тадбирлар, маданий ҳамкорликлар билан мустаҳкамланган бой тарих ва меросга асосланган. Бу бутун дунёда бирдамлик муносабатлари жозибдорлигини тарғиб этиш ва зиёли қатлам орасида халқларо дўстликни ривожлантиришга хизмат қилади. Шу маънода ўзбек ва озарбайжон халқларини асрлар мобайнида шаклланган мустаҳкам қардошлик ва биродарлик ришталари, маданият, тил, дин ва урф-одатларнинг яқинлиги, маънавий қадриятлар чамбарчас боғлаб туради.



Айниқса, 2023 йилнинг 24 ноябрь санасида Ўзбекистон ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг расмий учрашувида 2024 йилнинг мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни жадал ривожлантириш йили, деб эълон қилинган ҳамкорликнинг янги ўсқларини очиб бериш баробарида, икки қардош миллатнинг бир-бирига яқинлашувига мустаҳкам бир кўприк бўлди. 24–26 январь кунлари мана шу ҳамкорликка янги қадамлар сифатида Боку шаҳрида “Ўзбекистон фани ва маданияти кунлари” ўтказилди ва мамлакатимиздаги таниқли фан, санъат ва адабиёт намояндларининг бир гуруҳи Озарбайжонда бўлиб қайтди. Ташрифнинг илк куни делегациямизни Озарбайжон Миллий Мажлиси Спикери Соҳиба хоним Гафарова қабул қилди.

Жуда гўзал тарзда ташкил этилган “Ўзбекистон фани ва маданияти кунлари” давомида дастурда кўзда тутилган тадбирлар доирасида парламентларо ҳамда фан соҳасида,

ёзувчилар, рассомлар, газета, журналлар ўртасида ҳамкорликлар ўрнатиш, санъат ва маданият ходимлари билан йигирмадан ошқ икки томонлама учрашувлар ташкил этилди.

Жумладан, Боқунинг энг диққатга сазовор масканларида тўрта катта тадбир уюштирилди. Хайдар Алиев марказида Маданий мерос буйича 80 жилдлик мажмуа тақдироти, Фузулий номидаги Кўлёмалар Институтида “Маданий меросимиз Озарбайжон музейи ва кутубхоналарида” махсус томини топшириш ва энг ҳаяжонлиси, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан чоп этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” тўпламининг тақдироти ўтказилди. Боку Давлат университетига Озарбайжон илмий жамоатчилиги

вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирларда Ўзбекистон делегацияси билан бирга Озарбайжон Ўзарлар бирлигининг раиси, атоқли ёзувчи Анар Раев, унинг ўринбосари Салим Бабуллаевли, шoir, ёзувчи, журналистлардан Фахреддин Мейданли, Яшар Қосим, Гуламаил Мурад ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

Икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни чуқурлаштиришда “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламида” лойиҳасининг тугган ўрни ва бу борада самарали фаолият кўрсатаётган озарбайжонлик олимлар ташаббуси билан чоп этилган Бутунжаҳон жамияти номидан ташаккурномаларни топширдик. Шунингдек, Озарбайжон ва Ўзбекистонда бугунги кунда амалда оширилаётган юксак маънавий ва

маданий ислохотлар, улуг ишлар, шунингдек, кундан кунга мустаҳкамланиб бораётган адабий алоқалар ҳақида батафсил маърузалар қилинди.

1100 нафар муаллифни қамраб олган “Туркий адабиёт дурдоналари” адабий тўплами жаҳоншумул бир воқеа бўлди. Ушбу 100 жилдлик асарлар мажмуасини тайёрлашда 200 дан зиёд таржимон қатнашди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан яна элликка яқин адабиётшунос ва матншунос олим, адиб, муҳаррир ва рассомлар нашрга тайёрлаш, чоп этиш ишларига кенг жалб этилди. Мажмуа чин маънода халқаро лойиҳа бўлди, деб айтиш мумкин.

Тақдирот маросимида Ўзбекистонда янги таъсис этилган “Jadid”



Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик Палатаси
спикерининг биринчи ўринбосари

газетаси ҳақида ҳам сўз борди. Йирилганларга ушбу газетанинг концепцияси, унинг ўз олдига қўйган вазифалари хусусида Ўзбекистон Халқ шоири, “Jadid” газетаси бош муҳаррири Иқбол Мирзо сўзлаб берди. Йирилганларни қизиқтирган саволлар буйича мулоқотлар бўлиб ўтди. Таниқли санъаткорлар Фаррух Зокиров, Рамиз Усмонов, Озода Нурсаидова, Моҳичеҳра Шомуродовларнинг дилтортар қўшиқлари озарбайжон-ўзбек санъатининг ҳамоҳанглигини намойиш этди.

Озарбайжон Миллий кутубхонасига, Фузулий туманидаги Мирзо Улуғбек номи янги мактабга, Озарбайжондаги элчихонамиз кутубхонасига “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуаларини тақдим этдик.

Бундан ташқари, анжуман доирасида турли кўргазмалар ташкил қилинди, адабий алоқалар, кино санъатида, умуман, биргаликдаги маданий ҳамкорлик масалаларида фикр алмашилди. “Нуронийлар” жамиятлари ўртасида, Мақсуд Шайхзода ҳақида бадиий фильм яратиш буйича эса икки давлатнинг кинематография ташкилотлари билан ҳамда ЎзФА Астрономия институти ва Боку давлат университети ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Шунингдек, жадидлар меросини ўрганиш ва бошқа масалаларда Фанлар академияси ҳамда мутасадди ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликка оид ишлар режалаштирилди.

Боқуда ўтган дўстлик кунлари, маънавият анжумани том маънода икки қардош халқнинг ўзаро эҳтиром ва ҳурматига лиммо-лим тарзда яқун топди. Уйлайманки, бу қардошлик тадбири ўзаро муштарак максадларни амалга ошириш, қондошлик ришталарини мустаҳкам боғлашга илҳом ва куч беради.

(Давоми 2-3-саҳифаларда)

ТАДҚИҚ

“НАВОЙНИНГ ОТИНИ ОЛТИН БИЛАН ЁЗАЙЛИК...”

Жадид навоийшунослиги ҳақида

XIX аср охири XX аср бошларида юзага келган жадидлик ҳаракатининг фаол зиёлилари ўзбек мумтоз адабиётига доир турли масалаларига эътибор қаратишди. Хусусан, мумтоз адиблар шахсияти, ижоди, асарларининг топилиши ва улар ижодини мактабларда ўқитишга ҳам бефарқ бўлмадилар. Туркистон жадидлари отаси Маҳмудхўжа Беҳбудий бир неча мақоласида Алишер Навоий номини тилга олади. “Тужжор” газетасининг 1907 йил 10–11-сонларида босилган “Ислоҳи таҳсил” мақоласида мактаб муаллимлари ўз ўқувчиларига анъанавий ўлароқ шарқ адабиёти тарихидаги асарларни, жумладан, Навоий меросини ўқитишларини таъкидлайди. Аммо бола тафаккурига шарқ мумтоз адабиёти оғирлик қилади.

Ҳатто “...бечора мактабдорлардан юзда беша бу китобларни зўра ўқуб фаҳламоғи” мумкин. Бу масала Беҳбудийга тинчлик бермагани учун ҳам орада яна 1909 йили “Таржимон” газетасининг 14-сониди “Туркистонда мактаб лисони” мақоласини эълон қилади ва Шарқ мумтоз адабиётини тушуниш, тушунтириш, қайси тилда ўқиш ва ўқитиш масалаларига қайта мурожаат этади. Англаш ва фаҳмлаш, ўқилган китоблардан маънавий озуқа олиш – бу масалалар жадид муаллимларини бефарқ қолдирган эмас.

(Давоми 5-саҳифада)

АКС САДО

МУҚАДДАС ЎЧОҚ

“Китоб – илм манбаи”, дейди халқимиз. Қуръони каримда: “Билимдонлар билан нодонлар тенг бўладими?” ояти карима мавжуд. Шунингдек, Имом Исмоил ал-Бухорий “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” мажмуасида шундай ҳадиси шарифни келтиради: “Илм шундай нарсаки, унга бутун умрингни бермагунингча, сенга ўзининг бир қисмини ҳам бермайди”. Шунинг учун ҳам халқимиз азалдан китоб мутолаасига, ҳатто ўзининг қизиқишига яраша уйда кутубхона ташкил қилишга катта эътибор бериб келган. Муслмон оламининг Шероз, Самарқанд, Бухорий шариф, Бағдоди шариф, Тошкент каби шаҳарларида илм аҳлини ҳайратга соладиган бой кутубхоналар бўлган.

2017 йил 12 январда Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётида, айниқса, изланувчан, иқтидорли ёшлар истиқболда муҳим аҳамият касб этган “Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш буйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши эълон қилинди. Зеро, мунтазам мутолаа ўқув фанлари учун маънавий асос вазифасини бажаради, китобхоннинг фикр доирасини кенгайтиради.

(Давоми 6-саҳифада)

МУТОЛАА

“ҚИСМАТ ШАФҚАТ ҚИЛГАНДА ЭДИ...”

Ёзувчи дўстимиз Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғиз” деб номланган қиссасини шиғохонда ўқиб чиқдим. Шиғокорлар “Кўп ўқиманг, кўзингиз чарчайди” дейишганди, аммо бу китобда мени муаллиф эмас, унга сўзбоши ёзган Шўҳрат Ризаев чалғитди. Олим дўстимиз менинг шиғохонга отланаётиб, “Ёлғиз”ни портфелимга солиб қўйишимни аввалдан билгандай, сўзбошини нима деб бошлабди денг: “Октябрнинг биринчи шанбаси. Тонг. Ёлғизман. “Ёлғиз”ни ўқияман. Италияда – Ўзбекистон элчихонасининг пастак ёлғизхонасида ўқиб тугатдим қиссани. Уйда, тонг-ла сахарда ёлғизхонам – ишонамда киришган эдим мутолаага, сўнг бафуржа ёлғиз қолиш имконияти топилмади. Қарангки, насиб шу ерда экан”.

Қиссани ўқий бошламан. Фаройиб услуб. Ҳамма ёзувчининг ўзига хос ифода йўли бор, шу жиҳатдан улар бир-бирларидан фарқланиб туради. Хуршид Дўстмуҳаммадга ҳам тааллуқли бу гап. Аммо Шўҳрат Ризаевнинг фикрича, унинг учун “...ҳар асарда услуб билан бирга ўз ижодий манерасини топиш муҳим”. Тўғри кузатув. Муаллиф бу мақсадга эришиш, қўшиқнинг охиригача пардадан чиқиб кетмаслик – саҳна тили билан айтганда – образда туриш учун, биласизми кимни... Абдулла Қодирийнинг ўзини ёрдамга қақиради, халқона ибора билан айтганда, “солини Жулкунбойнинг узидан чиқаради”.

“Ёлғиз”нинг мазмунини баён қилиш ниятим йўқ. Қиссани ўқиган ўқувчи ҳаммасини тушуниб олади ва ишоним комилки, худди мен каби, мутолаа жараёнида унинг кўнглига ҳам кўп фаройиб фикрлар келади.

(Давоми 6-саҳифада)

БУГУНИНГ СЎЗИ

АБАДИЙ КУРАШ

“Халқ сўзи” газетасида академик домлаим Рустам Худойбергеновнинг мақоласини ўқиб, кўнглимиз тубида турган гаплару дардлар юзга чиққандек бўлди. Бу жасоратли муносабатни “Jadid” газетасида ҳам чоп этиш керак, деган фикрга келдик. Домлани табриклаш ва олдиларидан бирров ўтиш учун кўнгирак қилдик. Бир йўла газетамизнинг маърифатталаб йўли раво бўлиши учун дуоларини ҳам олдик. Газетхонларимизга илгинганимиз каби мақолалари, фикр-мулоҳазаларини “бегона қилмай” энг аввал “Jadid”га раво кўришларини ярми ҳазил, ярми чин қилиб айтдик. Зеро, бу мақолада тилга олинган масалалар бизни ҳам бефарқ қолдирмаслигига шубҳамиз йўқ, азиз ўқувчи.

(Давоми 2-саҳифада)



Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат
университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бу ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак! Биз бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Миллатнинг уйғониши, юртининг озодлиги ва тараққий этиши учун ўз жонидан кечган маърифатпарвар аждодларимиз номларини қайта тиклаш, уларнинг асарларини халқимиз, хусусан ёш авлод вакиллари орасида тарғиб этиш бугунги кундаги асосий вазифалар қаторига кирди. Президентимиз ташаббуси билан бу борада сўнгги йилларда қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

ҚАДРДОН СИЙМОЛАР ТУРК КИНОИЖОДКОРЛАРИ НИГОҲИДА

Жумладан, 2020 йилда Тошкент шаҳрида “Адиблар хиёбони”нинг барпо этилиши, бу ерда ўзбек адабиётининг 24 нафар забардаст вакилига ёдгорлик ўрнатилиши, уларнинг ҳар бири ҳақида Кинематография агентлиги томонидан ҳужжатли ва бадиий фильмлар суратга олинаётгани ана шу улкан эътибор ва гамхўрлик исботидир.

Яқинда давлатимиз раҳбари таклифига биноан “Jadid” газетасининг ташкил қилиниши, жадидлар фаолиятига бағишланган халқаро анжуманлар ўтказилаётгани, буюк алломаларимиз асарлари кўп нусахада чоп этилаётгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

(Давоми 7-саҳифада)



АБАДИЙ КУРАШ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Бу фикрлар бежиз айтилгани йўқ. Бугун биз дунёда империяпарастлик ва шовинизм бош кўтарётган, тажовуз ва таҳдид тобора ортаётган, тарихни бузиб талқин қилиш кучаяётган, камситиш, босқинчилик, вайронкорлик ва бир-бирига қарама-қарши кўйиш, адоват кўзга, урушларни молиялаштириш, ички ишларга аралаштириш очик-ойдинлик касб этаётган зиддиятли ва мураккаб бир даврда яшаймиз.

Мустақил давлатларга таҳдидлар турли кўринишларда намоён бўляпти. Баъзан унга бепарво қараймиз, баъзида кампаниябозлик қилиб, кимўзарга жавоб қайтарамиз. Лекин биз миллат сифатида англаб етишимиз зарур бўлган бир ҳақиқат бор. Мустақиллик учун кураш қачонки, унга нисбатан таҳдидлар юз бергандагина кўзга ташланмаслиги керак. Бу ожиз қараш билан мутлақо мурося қилиб бўлмайди. Зеро, мустақиллик учун жанг мамлакат ва миллат бор экан, ҳеч қачон тўхтамайди.

Унутмаслик керакки, бу жанг тўхтаган куни душманлар бош кўтарди. Улар ҳали-ҳамон мустақиллашчилик, ҳукмронлик даввосидан воз кечгани йўқ, пайт пойлаб турибди. Қачонки, биз аҳилликни, бирликни, ҳамжиҳатликни йўқотсак, ичимиздан хоинлар чиқса, Ватан озодлигини кўз қорачиғимиздек асрамасак, бундай вазият душманларимизга кўл келади.

Баъзан қайсидир коваклардан, ўзимизнинг ичимиздан чиққан сотқинларнинг жирканч овози чиқиб қолади. Улар тутқунлик, қуллик даврларини зўр бериб кўмсайди. Улар сафсата “гугурт бир тийин эди”дан бошланади. Ушбу чиркин қарашларга чидаб туриш оғир. Ўша замонларда “Қадринг қанча эди?” дегинг келади.

Турмуш қийинлигидан, ночорлигидан аёллар ўзига ўт қўйган, “пахта иши”, “ўзбеклар иши” гирдобиди оталар қамалган, гўдаклар ўлими ортаган, бемақсад уруш туфайли йигитлар жасади темир тобутларда қайтган, болалар пахта қулига айланган даврларни нахотки унутган бўлсак? Нахотки, шундай машъум кунларни кўмсаётганлар орамизда бўлса. Бу даҳшат-ку...

Мустақил тузумни кўмсайдиганларни, буюк ёзувчи Чингиз Айтматов тавбири билан айтганда, манкурт дегим келади. Нахотки, қандайдир моддий нарсаларга Ватан мустақиллигини қийслаш мумкин бўлса? Нахотки, унинг қалбиди миллий ғурур бўлмаса? Ор бўлмаса? Номус бўлмаса? Ўша кимлардир кўмсаётган мустақил тузум бизни миллат сифатида ожиз қилиб қўймадими? Тафаккуримизга қўшиб мутафаккирларимизни ўлдирмадими? Осмадими? Отмадими? Сургун қилмадими?

Агар мустақиллик бўлмаганида эди, биз аллақачон ўзлгимизни йўқотган, қадриятларимиздан айрилган, тилсиз, эрксиз, бир ночор халққа айланган бўлар эдик. Бугун мамлакат мустақиллиги ҳақида гапирётган айримлар уни оддий ҳодиса сифатида таърифлайди. Йўқ, асло ундай эмас. Мустақиллик мамлакат ва миллатнинг қаддини тиклади. Мустақиллик миллатнинг онгидан қулликка кўниш синдромини сиқиб чиқарди.

Мустақилликнинг бебаҳо имкониятларини, буюк эвришиларини, улуг истикболларини англаш учун мустақил тузумнинг кирдикорларидан хабардор бўлиш, ўша аянчи тарихни чуқур ўрганиш керак. Боболаримиз қанчалик хўрланганини, топталганини, қатагон қилинганини, миллатнинг ақли, билими, ўтмиши аёвсиз йўқ қилинганини тафтиш этадиган пайт аллақачон келган.

Ҳеч қачон мустақиллик қайтиб келмасин. Халқимиз озод яшасин! Озодлик учун курашга жонини тикадиган авлодлар пайдо бўлсин! Ватанпарвар, миллатпарвар ёшлар майдонга чиқсин!

Яхши билинги, Ватан учун, мустақиллик учун кураш, бу — абадий кураш. Бу курашдан ҳеч ким ўзини четга олишга ҳаққи йўқ. Бу кураш умуммиллат курашидир. Бу курашда чекиниб бўлмайди.

Бугун Ўзбекистон жадал тараққий этаётгани баъзиларга ёқмаслиги аниқ. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё бирлиги йўлида улкан ишларни қилаётгани кимларнингдир тинчини ўғирлайди. Юртимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни тобора юксалаётгани душманларимизни безовта қилади.

Чунки улар бир пайтлар мустақилликнинг дастлабки йилларида “Бизсиз яшолмайди”, “Ўзлари ялиниб келади”, “Чегарасини ҳимоя қилолмайди”, “Эртага фалон давлат уларни босиб олади”, дея фол очишган эди. Лекин бу фол тўғри чиқмади. Биз мустақилликни бошимиз узра баланд кўтариб, машаққатли йўлларни мардонавор босиб ўтдик.

Давлатимиз раҳбари ҳақли равишда қайд этганидек, бугун олдимизда турган вазифалар қанчалик улкан ва мураккаб бўлмасин, уларни биргаликда ҳал этишга кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади. Биз энди кечаги одамлар эмасмиз. Халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Бугун Ўзбекистон дунёдаги нуфузли халқаро ташкилотларнинг тўлақонли аъзоси. Дунё тинчлигида муҳим ўрин тутадиган мамлакат. Ўз сўзига, ўз қарашларига эга бўлган қудратли давлат. Ўзбекистон учун қарамлик аллақачон тарихга айланган.

Хомтама бўлманг, миллатимизни камситишингизга индамай қараб турмаймиз. Бугун бундай кимсаларга жавоб беришга, кимлигимизни кўрсатиб қўйишга кучимиз ҳам, билимимиз ҳам етади!

Айниган каллангиздан чиркин хаёлларни қувинг. Ўзбекистондан, ўзбек халқидан, балки нималариндир олишингиз мумкин. Лекин мустақилликни эмас!

Бу сўзларни қулоғингизга қўроғингизга қўйиб олинг!

МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯНИНГ

(Бошланиши 1-саҳифада)

– Ўзбекистон Президенти муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёев билан бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувларни яхши эсламан. Президент жаноблари жаҳон миқёсидаги фаол ва узоқни кўра олувчи зукко давлат арбоби-дир. У зоти олийларининг Бизнинг Президентимиз Илҳом Алиев билан яқин дўстликлари ва амалий ҳамкорликлари, азму шижоатлари ва, албатта, ватансеварликлари ҳаммамиз учун намуна дейишим мумкин. Икки давлат раҳбарининг ҳамкорлик лойиҳалари учун 177 та ҳужжатни имзолаганлари бунинг далилидир. Ўзбекистон Президенти Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаган буюк давлат арбобидир. Биз, Озарбайжон халқи буни ҳеч қачон унутмаймиз. Ўзбекистон Президенти Озарбайжонни фақат сўзда эмас, амалда қўлламоқда. Фузулийда қад ростлаган муҳташам мактаб биз учун ҳақиқий дўстлик намунаси.



Соҳиба хоним ГАФАРОВА,
Озарбайжон Миллий мажлис Спикери:

– Биз Озарбайжон билан ота-боболари, авлод-аждодига иззат-икром кўрсатишда ҳам бир-бирига уйғун миллатимиз. Ёши улугларга нисбатан оқибат масаласида қадриятларимиз жуда ўхшаш. Шунинг учун ҳам ҳар иккала давлат қарияларни қадрлаш, кексаларни эъзозлаш йўлида ҳамфикр бўла олади ва бу энг эзгу ҳамкорлик бўлади, деб ўйлайман.

Фан ва маданият кунлари доирасида азалий қадриятлари бир-бириникидан деярли фарқ қилмайдиган икки давлат – Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида муҳим аҳамиятга эга тарихий ишлар бўлди. Озарбайжон Оқсоқоллар кенгаши ва Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ўртасида фахрийлар ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоладик.

Фахрийларимиз ва нуронийларимизга муносиб эътиборда бўлиш йўлида ўзаро тажриба алмашиш назарда тутилган ушбу ҳужжатга имзо чекарканман, бу борадаги амалий ишларда иштироким бўлишининг ўзиданоқ бахтиёрлик ҳис қилдим. Озарбайжон биродарларимизга бундай самимий қабул ва эҳтиром учун миннатдорлик билдириб қоламан.

– Биттагина китоб ёзиш ёки таржима қилиш машаққатини, уни нашрга тайёрламоқ ва нашр этмоққа неча замон сарф бўлажани... билган билади! Шунинг учундир, Ўзбекистон Президентининг бир неча йил бурун Бокудаги олиймақом машваратда туркий адабиёт дурдоналарини юз жилд қилиб нашр этиш борасидаги ташаббусини эшитиб, буни анчайин бир орзу, ҳа боринги, одатдаги сибсий маҳоват деб англаганимни яширмайман.

Бугунга келиб ана шу улкан, улугвор ғоя бекам-кўст амалга ошганига таҳсин айтмай иложингиз йўқ! Эндиликда эса қардош туркий элларга меҳмон бўлиб борилганда ана шу бебаҳо адабий жамлангани тортиқ этиш қутлуг аънаанага айланаётир.

Фан ва маданият арбобларининг қондош озар юртига бу галги ташрифи ундан ташқари яна бир ноёбдан-ноёб ҳада – миллий маданий меросимизнинг жаҳон хазиналаридан тўпланган заркитоблари ҳам қўшилганини фахр билан қайд этмоқ лозимдир.

“Туркий адабиёт дурдоналари” тўпламига қайтиб фикр қиладиган бўлсак, бу ғоят сердиққат, сермашаққат юмуш неча фурсатда уйданди дейсиз? Ишбошиларнинг эътирофича, нари-бери бир йил ичида. Олти ой матн тайёрламоққа кетган, олти ой – матбаа ишларига. Ақл бовар қилмайдиган мудатлар!

Аслида эса бу қутлуг ҳамкорлик, бу робита беш асрлар муқаддам – ҳазрат Ҳайдар Хоразмийнинг “Низомий болидин ҳалво пишурдим” демиш мардона сатрларидан ибтидо олган. Ўша замонлардан буён ўзбек улуси Низомий Ганжавийни ҳам, Муҳаммад Фузулийни ҳам ётсиратмай ўзининг шоири деб билади.

Шу аънана ҳамон бардавом. Ўзбек китобхони бугун туркий дунё адабларининг сардори, оқсоқоли саналмиш машҳур Анар муаллимни асло ўзиникидан кам кўрмайди. “Менинг китобларим ўз юртимдан кўра бу ерда кўпроқ ўқилар экан”, деган эди ёзувчининг ўзи. Озарбайжон “Муғом” марказидаги тақдимот маросимида сўзларканман, жўшиб кетдимми, камна у кишини “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” атаб лутф қилиб юборибман. Ўйлаб қаралса, моҳиятан хато эмасдир...

Тақдимот чоғи “Туркий адабиёт дурдоналари”нинг 100 жилдини намоишга териб қўйиб, “Мана, биз сўзимизнинг устидан чиқдик, навбат – сизларга!” дедик ва озар тилидаги юз жилдликнинг илк тақдимоти олам гулга тўлган баҳор айёмида Тошкентда ўтказишга тақлиф қилдик.

Сешишимизча, бу борада дастлабки тадориклар кўрила бошлаган...

– Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг уч жиҳатини хурмат қиламан. Биринчиси, у туркий дунёни, туркий мамлакатларни бир-бирига яқинлаштирди. Иккинчиси, адабиётга жуда катта эътибор бермоқда. Учинчиси, у Озарбайжон халқининг дўсти. Мен ўзбек халқини-да уч хислатини юксак қадрлайман. Даставвал, бу халқ қадим маданият бешиқларидан биридир. Қолаверса, дунё тамаддунига Термизий, Бухорий, Фарғоний, Хоразмий, Беруний, Навоий, Бобур каби ўнлаб даҳоларни етказиб берган улуг онадир. Учинчидан, бағрикенг, меҳридарё халқки, биз буни улуг ватан уруши йилларида аниқ-тиниқ кўрганмиз. Шундай Худо берган халқнинг Худо ёрлақган йўлбошчиси эсон бўлғай.



Анар РЗАЕВ,
Озарбайжон Ёзлар бирлиги раиси, Озарбайжон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси “Дўстлик” ордени соҳиби:

– Ўзбекистон ва Озарбайжон туркий тилли давлатлар орасида бир-бирига энг яқинидир. Тошкентда Низомий Ганжавийнинг, Бокуда Алишер Навоийнинг хайкаллари ўрнатилгани дўстлигимизнинг буюк бир рамзига айланган.

Ўзбек ёзма адабиёти Озарбайжон ёзма адабиёти билан чамбарчасликда ривож топди. Бунинг яққол намунаси сифатида Навоий, Фузулий, Ҳабибий, Воқиф, Самад Вургун, Амирий ва бошқа шоирлар ижодидаги ўзаро адабий таъсири кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Хамсанависли аънасини бошлаб

берган Низомий Ганжавий номини Навоий “Ҳайрат ул-аброр” дostonида хурмат билан тилга олади ва “Ганжа ватан, кўнгли анинг ганжхез, Хотири ганжуру тили ганжрез. Фикрати мизони бўлуб хамсананж, “Хамса” дема, балки дегил панж ганж” ёки “Гавҳари йўқ “Махзан ул-асрор”дек, Ахтаре йўқ “Матла ул-анвор”дек” дея юқори баҳо беради. Ўз навбатида, Ҳиротда Навоий яратган шеърят мактабида ҳам Озарбайжон шоирлари таҳсил олгани, Фузулийнинг устози Ҳабибийнинг Навоийдан таълим олгани айтади. Ўзбек адабиётига кўплаб ижодкорларни берган Қўқон адабий муҳитига ҳам озарбайжон шоири Фузулийнинг таъсири кучлидир. Жумладан, Амирийнинг қатор мухаммаслари, ҳозирги замон Қўқон адабий муҳити вакилларининг битиклари шундан далолат бериб турибди. Биз асрларким, “Гўрўғли” ёки “Кўрўғли”, “Ошиқ Фароб”, “Китоби Дада Кўрқут” каби фольклор асарларини ўрганиб, олимларимиз томонидан халқ оғзаки ижодимизнинг ҳам муштарак жиҳатларини тадқиқ этиб келамиз.

XX аср давомида ҳам бу адабий-маданий алоқаларимиз узилмади. Айниқса, кейинги йилларда таржима адабиётимиз гуллаб-яшнамоқда. Устозимиз Жамол Камол томонидан Низомий “Хамса”сининг таржима этилиши, кўплаб озарбайжон шоирларининг асарлари ўзбекчага ўгирилиши бугунги ўзбек ўқувчисини озарбайжон адабиёти билан яқинлаштирган бўлса, Озарбайжон олими, “Дўстлик” ордени соҳиби Рамиз Аскер томонидан Навоий асарларининг озарбайжон тилига ўгирилиши, улар устида олиб борилган тадқиқотлар озарбайжон ўқувчиларини ўзбек классик адабиёти билан таништирди.

– 26-27 январь кунлари Озарбайжонда ўтказилган Ўзбекистон фан ва маданияти кунлари доирасида ўзбекистонликларнинг Боку шаҳрига келишлари ўлкамизда байрам тусини олди.

Ўз вақтида яқин тарихда ўтказилган турли маданий тадбирларда Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Абдулла Орипов, Ҳамид Фулом, Көмил Яшин, Иzzат Султонов, Мамарасул Бобоев, Туроб Тўла, Рамз Бобожон, Собир Абдулла, Гайратий, Асқад Мухтор ва бошқа таниқли ўзбек шоир-ёзувчиларининг фаол қатнашгани мамнуният билан эсга оламиз.

Озарбайжон зиёлилари ҳузурида “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламида” деб номланган 50 жилдлик расмли китоб-альбомлар ҳамда 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” китобларининг тақдими бўлиб ўтди. Табиийки, биз адабиётшунослар буларни тарихий воқеалар сифатида қадрлаймиз.

Ушбу адабий воқеа ўзбек зиёлиларининг қардош Озарбайжон халқи-га, унинг бой адабий меросига бўлган чуқур хурмати ифодаси сифатида баҳоланди.

Дарвоқе, “Jadid” газетаси ўзбек адабиёти ва матбуотида янги ҳодисадир. Ҳозирча бешта сони чоп этилган бу газета Озарбайжон Миллий Фанлар Академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти олимлари томонидан эътироф этилди. “Янги йўлимизни янада равшанроқ ёритиш учун тарихимизни эслаш лозим” тамойили асосида ишлаётган ўзбек зиёлиларига муваффақиятлар тилаймиз.

Бундай дўстона учрашувлар, қардошлик алоқалари самараси бўлган тарихий туҳфаларнинг тақдими доаво этишига ишонамиз.



Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, филолог, шоира:

– Ўзбекистон ва Озарбайжон туркий тилли давлатлар орасида бир-бирига энг яқинидир. Тошкентда Низомий Ганжавийнинг, Бокуда Алишер Навоийнинг хайкаллари ўрнатилгани дўстлигимизнинг буюк бир рамзига айланган.

Ўзбек ёзма адабиёти Озарбайжон ёзма адабиёти билан чамбарчасликда ривож топди. Бунинг яққол намунаси сифатида Навоий, Фузулий, Ҳабибий, Воқиф, Самад Вургун, Амирий ва бошқа шоирлар ижодидаги ўзаро адабий таъсири кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Хамсанависли аънасини бошлаб

берган Низомий Ганжавий номини Навоий “Ҳайрат ул-аброр” дostonида хурмат билан тилга олади ва “Ганжа ватан, кўнгли анинг ганжхез, Хотири ганжуру тили ганжрез. Фикрати мизони бўлуб хамсананж, “Хамса” дема, балки дегил панж ганж” ёки “Гавҳари йўқ “Махзан ул-асрор”дек, Ахтаре йўқ “Матла ул-анвор”дек” дея юқори баҳо беради. Ўз навбатида, Ҳиротда Навоий яратган шеърят мактабида ҳам Озарбайжон шоирлари таҳсил олгани, Фузулийнинг устози Ҳабибийнинг Навоийдан таълим олгани айтади. Ўзбек адабиётига кўплаб ижодкорларни берган Қўқон адабий муҳитига ҳам озарбайжон шоири Фузулийнинг таъсири кучлидир. Жумладан, Амирийнинг қатор мухаммаслари, ҳозирги замон Қўқон адабий муҳити вакилларининг битиклари шундан далолат бериб турибди. Биз асрларким, “Гўрўғли” ёки “Кўрўғли”, “Ошиқ Фароб”, “Китоби Дада Кўрқут” каби фольклор асарларини ўрганиб, олимларимиз томонидан халқ оғзаки ижодимизнинг ҳам муштарак жиҳатларини тадқиқ этиб келамиз.

XX аср давомида ҳам бу адабий-маданий алоқаларимиз узилмади. Айниқса, кейинги йилларда таржима адабиётимиз гуллаб-яшнамоқда. Устозимиз Жамол Камол томонидан Низомий “Хамса”сининг таржима этилиши, кўплаб озарбайжон шоирларининг асарлари ўзбекчага ўгирилиши бугунги ўзбек ўқувчисини озарбайжон адабиёти билан яқинлаштирган бўлса, Озарбайжон олими, “Дўстлик” ордени соҳиби Рамиз Аскер томонидан Навоий асарларининг озарбайжон тилига ўгирилиши, улар устида олиб борилган тадқиқотлар озарбайжон ўқувчиларини ўзбек классик адабиёти билан таништирди.



Алмаз Улви БИННОТОВА,
филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси “Дўстлик” ордени соҳибаси:

– 26-27 январь кунлари Озарбайжонда ўтказилган Ўзбекистон фан ва маданияти кунлари доирасида ўзбекистонликларнинг Боку шаҳрига келишлари ўлкамизда байрам тусини олди.

Ўз вақтида яқин тарихда ўтказилган турли маданий тадбирларда Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Абдулла Орипов, Ҳамид Фулом, Көмил Яшин, Иzzат Султонов, Мамарасул Бобоев, Туроб Тўла, Рамз Бобожон, Собир Абдулла, Гайратий, Асқад Мухтор ва бошқа таниқли ўзбек шоир-ёзувчиларининг фаол қатнашгани мамнуният билан эсга оламиз.

Озарбайжон зиёлилари ҳузурида “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламида” деб номланган 50 жилдлик расмли китоб-альбомлар ҳамда 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” китобларининг тақдими бўлиб ўтди. Табиийки, биз адабиётшунослар буларни тарихий воқеалар сифатида қадрлаймиз.

Ушбу адабий воқеа ўзбек зиёлиларининг қардош Озарбайжон халқи-га, унинг бой адабий меросига бўлган чуқур хурмати ифодаси сифатида баҳоланди.

Дарвоқе, “Jadid” газетаси ўзбек адабиёти ва матбуотида янги ҳодисадир. Ҳозирча бешта сони чоп этилган бу газета Озарбайжон Миллий Фанлар Академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти олимлари томонидан эътироф этилди. “Янги йўлимизни янада равшанроқ ёритиш учун тарихимизни эслаш лозим” тамойили асосида ишлаётган ўзбек зиёлиларига муваффақиятлар тилаймиз.

Бундай дўстона учрашувлар, қардошлик алоқалари самараси бўлган тарихий туҳфаларнинг тақдими доаво этишига ишонамиз.



ЁРҚИН МУВАФФАҚИЯТИ

– Бир гўзал афоризм бор. “Санъатнинг барча тури мусиқага айланишни истайди”. Дарҳақиқат, адабиёт бор жойда мусиқа бор, мусиқа бор жойда эса, албатта, адабиёт бўлади. Шу маънода айтиб ўтиш жоизки, XX асрда юксак истеъдод соҳиблари бўлган ўзбек адаби Шароф Рашидов ҳамда озарбайжон композитори Ориф Меликов ўртасидаги ижодий ҳамкорлик натижаси ўлароқ “Икки дил достони” номли гўзал балет яратилган. Ушбу асар шедевр даражада саҳналаштирилиб, жаҳоннинг энг нуфузли саҳналарида намойиш этилган ва дунё жамоатчилигининг юксак эътиборини қозонган.

Мана шундай ижодий, адабий-маданий уйғунлик аънаналарини давом эттириб, икки халқ адиб ва санъаткорларининг маданий ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, туркий оламнинг интеллектуал мулкни янги асарлар билан бойитиш давр талабидир. Шу маънода, XXI асрда ўзбек ва озарбайжон композиторлари бирлигида бетақдор опера ва балетлар учун янги асарлар яратиш керак, деб ўйлайман. Ушбу ҳамкорлик натижасида юзага келадиган асарлар туркий дунёнинг бой тарихи, юксак тафаккури, эстетик-фалсафий олами ўзида акс эттириб, жаҳон санъатининг янги уфқларини белгилаб бериши керак.

Бугунги кунда ўзбек ва озарбайжон шоир-ёзувчилари ва санъат усталарининг ҳамкорлиги учун барча имкониятлар бор. Зеро, мамлакатларимизда фаолият юритувчи ижодий уюшмаларнинг ўзаро ҳамкорликда ижод қилиши халқ дипломатиясининг ҳам ривожига хизмат қилиши шубҳасиздир.



Олий АБДУЛЛАЕВА,

Олий мажлис қонунчилик палатасининг
Фан, таълим, маданият ва спорт
масалалари кўмитаси аъзоси:

– Озарбайжонда кечган Ўзбекистон фан ва маданияти кунлари сабаб қардош дўстларимиз билан яна учрашиш имконига эга бўлдим.

Озарбайжон Ёзарлар бирлиги, Педагогика Университети ва Матбуот шўбасида ўтказилган китобларим тақдироти ва адабий учрашувларда уларнинг меҳр-оқибатини яна бир бор ҳис қилдим.

Адабиёт, шеърят борасида, бугунги кунда маънавиятга, инсоний туйғулар, ахлоқ ва эзгулик тушунчаларига раҳна солаётган турли сабаблар, ёшлар қалбига китобга меҳр уйғотиш каби муаммолар ҳақида юзма-юз туриб мусохаба қилиш, дунёни хавотирга солаётган жиҳатлар ҳақида фикрлашиш, энг муҳими, илдизи бир халқларимиз орасида қардошлик ришталарини янада жипс боғлаш бобида бирдиллик ила суҳбатлашиш мароқли кечди. Бизни Боку узра адабиёт ва санъат, маънавият етаклаб юрди.



Хосият РУСТАМОВА,

“Китоб дунёси” газетаси бош
муҳаррири:



Иқбол МИРЗОВ,

“Jadid” газетаси бош муҳаррири:

газетамизнинг илк тақдироти самода бошланди.

Бокуда қардош дўстларимиз бизни қайноқ меҳру эътибор билан кутиб олишди, иззат кўрсатишди.

Жадидликнинг пешқадам вакиллари турк, татар ва, албатта, озар қардошларимиз орасида кўп камолга етганлар ва Туркистон озодлиги, равнақи учун жидду жаҳд кўрсатганлар. Озарбайжонда ҳам ривож топган жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти Туркистон жадидлари фаолиятига ҳамроҳандир. Мирза Фатали Охундовдан бошланган маърифатчилик ҳаракати кейин ҳам давом этди. Матбуотнинг юзага келиши, соф маърифий ислохотларни назарда тутган ҳаракат Ҳожи Зейналабидин Тағиев, Мирза Алекпер Сабир, Жалил Мамедқулизаде, Узейр Ҳажибейли каби турли соҳа кишилари, кўп-лаб зиёлилар томонидан амалга оширилган.

Озар ойдинлари газетимиз ҳақида аллақачон хабар топишган, электрон шаклдаги нашримизни катта қизиқиш билан кузатиб бораётган эканлар.

Озарбайжон парламентида бўлиб ўтган учрашувда спикер Соҳиба хоним Гафарова ҳам биз тақдим этган “Jadid” газетимизни юксак баҳолаб, жадид боболарнинг маданий алоқа воситаси аввало матбуот бўлганини алоҳида таъкидлади.


Ўтказилган барча маърифий тадбирларда газет тақдироти билан қатнашдик. Озар ижодкорлари асарларидан намуналар чоп этилган сонларни муаллифларига совға қилдик. Бир қатор жадидшунос олимлар билан учрашиб, ҳамкорлик масаласида келишиб олдик.

Бу афсонавий, олижаноб ва мард инсонлар юрти – “оловлар ўлкаси”да юракларимизга бир ҳовуч оташ солиб, яна бир қарра дўст билан дунё обод эканига, қардош билан ҳаёт мазмунлироқ бўлишига амин бўлдик.

– Бу Озарбайжонга менинг иккинчи сафарим. 44 йил аввал, яъни 1980 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасида ҳам иштирок этган эдим. Ушанда бизни Озарбайжоннинг биринчи раҳбари Ҳайдар Алиев шахсан қабул қилиб, жуда катта ҳурмат кўрсатган эди. Орадан шунча йил ўтиб бу гўзал давлатга сафар яна насиб қилди. Негадир тўрт кун давомида шунча кўп учрашувларимиз бўлади, мулоқотлар қиламиз, концертлар берамиз, деб хаёлимга келтирмабман. Биз жуда кўп ишларни қилишга улгурдик шу тўрт кун ичида.


Биз Озарбайжон миллий тасвирий санъат музейини бориб кўрдик. У ерда бизни музей директори Ширинхоним Маликова қабул қилди ва музей экспонатлари билан таништирди. Мени ҳайратлангирган воқеа шунда бўлдики, музейда европа, рус ва озарбайжоннинг тасвирий санъати тааллуқли энг сара асарларни ўз кўзим билан кўрдим. Айниқса, улар орасида рассомлик фаолиятининг илк даврида таниганларим – Озарбайжоннинг Тоир Салахов, Тўғрул Нариманбеков, Чингиз Фарзалиев, Алиакбар Ризақулиев каби жаҳонга машҳур рассомлари асарларининг борлигидан тўлқинландим. Бу асарларни жуда катта қизиқиш билан томоша қилдим. Сафар давомида биз эски шахарга ҳам ташриф бурюрдик. Ўлканинг энг диққатга сазовор тарихий обидаси саналган Қиз қалъаси, XVI–XVII аср меъморчилигининг гўзал намунаси – Ширвоншоҳлар саройини бориб кўрдик. Уша эски тош кўчаларда саёҳат қилиб, қарийб ярим аср олдин юрган кўчаларда юриб, бошқача бир руҳландим. Завқ билан суратларга олдим.

Боку ўзи гўзал шаҳар. Бу гал у мени янада ҳайратга кўмди. Анжумандан олган энг катта таассуротим эса қардошлар билан кўришиб, уларнинг фикрларини ўз тилларида тинглаб, ҳеч бир қийинчиликсиз тушунганим бўлди. Ўзбеклар ўзбек тилида гапирди, озарбайжонлар озарбайжон тилида. Бир-биримизни юз фоиз тушундик. Тилмоч ҳам керак бўлмади. Мана шунисига қойил, дедим. Санъатимиз, кийим-кечакларимиз, мусиқамиз, ашулаларимиз ўхшайди. Умуман, ўхшашлик жойларимиз жуда-жуда кўп. Бир зиёли инсон сифатида, рассом сифатида Озарбайжон сафаридан ўзим учун ва ижод учун кўп нарсалар олиб келдим.



Жавлон УМАРБЕКОВ,

Ўзбекистон халқ рассоми:



Фаррух ЗОКИРОВ,

Ўзбекистон халқ артисти:

– Озарбайжонлик санъаткорлар билан бизнинг оилавий борди-келдимиз бор эди. Отам – Ўзбекистон халқ артисти, машҳур опера хонандаси Карим Зокиров Озарбайжоннинг буюк санъаткорларидан бири Булбул Мамедов билан дўстона муносабатда бўлишган. Ундан кейинги авлод сифатида акам, эстрада хонандаси Ботир Зокиров Озарбайжоннинг бетақдор овоз соҳибни Муслим Мағмаев билан қадрдонлашиб кетишган экан. Улар 1966 йилда Франциядаги Олимпия театрида биргаликда чиқиш қилишган ва бу чиқишлари катта шухрат қозонган.

Ўша пайтларда акам Рашид Бейбутов, Зайнаб Хонларова каби машҳур озарбайжонлик хонандалар билан қадрдон дўст ва ижодий маънода ижодий рақобатда бўлишган. Яъни ҳаммаша кучоқ очиб кўришишган, бир-бирининг қўшиғини эшитиб, илҳомланишган, руҳланишган.

Ўшанда бошланган аъналар ҳамон давом этяпти. Озар санъаткорлари билан дўстликларимиз ипи узилган эмас. Буюк озар санъаткори Пўлат Булбул ўгли билан борди-келди қилиб тураимиз. Озарбайжонга ўзимни уйимга кириб боргандай бораман. Балки бу отам ва акамдан бошланган қадри туйғуларнинг давомидир. Озарбайжонда бўлиб ўтган Ўзбекистон фан ва маданият кунларида Ҳайдар Алиев номидаги машҳур санъат саройида тўпланган озарбайжонлик мухлисларим билан навбатдаги кўришувим мени шундай бир ҳайратга солдики... Айниқса, янги авлод вакиллари бўлган ёшларнинг қўшиқларимизни жон қўлоқлари билан тинглаганлари, эҳтиром кўрсатганлари менга ниҳоятда хуш келди. Биз бир-биримиздан куч оладиган қардошларимиз. Ўйлайманки, мана шундай ижодий борди-келдиларимиз бундан кейин ҳам давом этади. Озарбайжонлик санъаткорлар, олимлар, ижодкорлар, дўстларимиз Ўзбекистонга ҳам, албатта, келишди. Биз адабиёт, маданият ва санъат воситасида дўстлигимизни юқори босқичларга олиб чиқаверамиз. Озарбайжонда бўлиб ўтган Ўзбекистон фан ва маданият кунларидан жуда катта таассурот олдик, илҳом олдик, куч олдик. Булар барчаси янги қўшиқлар яратишимизга, янги ҳамкорликларни йўлга қўйишимизга хизмат қилади.

– Мазкур қутлуг анжуманда иштирок этган гуруҳимиздаги ўттиздан зиёда аъзоларнинг ҳар бири миллатимиз фани, адабиёти, санъатида ўз ўрни, нуфузига эга инсонлар экани эътиборлидир. Шу боис, қардош ва қадим Озарбайжонда ҳамроҳларимиз ҳам зиёлилар – ўз касбининг етук кишилари бўлди.

Икки қардош халқ дўстлик тамал тошини буюк аждодларимиз аллақачонлар қўйган бўлса, бугун ана шу ришталар тобора томир отиб, эту тирноққа айланиб бормоқда. Тили, дини, дили бир, асрлар оша яшаб келаётган қадриятга аъналарни бир-бирига яқин, санъати ҳамроҳанг – бамисоли эгизак миллатни яна қаердан топасиз?! Муҳими, ўзбек халқи, Ўзбекистон давлати Озарбайжонни ҳаммиша қўллаб-қувватлаб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Ҳар икки давлат раҳбарлари дунё тинчлиги, туркий халқларнинг бахту саодати, фаровон турмуши, ёрқин гоёлар, порлоқ истиқбол, хайрли ташаббуслар борасида маслақдош.

Озар юртида ўтган тўрт кунимизнинг қарийб ҳар лаҳзасида биз Ўзбекистонга, ўзбекларга бўлган самимий меҳру оқибатни, муҳаббатни кўрдик. Олам айвонида фақат қирғизу қозоқ ва туркмангина эмас, бир улкан денгиз ортида озару турк каби бизнинг қатор-қатор қондошу маслақдошларимиз борлигини тақдор ҳис қилдик. Анжуманлардаги чиқишимиз, ўқиган шеърларимизга маърузаларимиз эътирофи ўлароқ янграган оқшилар оғушида шуқуландик. Бу дўстликка, бу тинчликка – борди-келдиларимизга асло кўз тегмасин.



Маҳмуд ТОИР,

Ўзбекистон халқ шоири:

– 25 январь куни Боку Давлат Университетида Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг Озарбайжон илмий жамоатчилиги билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда сўзга чиққан Озарбайжон Миллий Фанлар академиясининг президенти, академик Иса Ҳабибейли адабиёт соҳасидаги ҳамкорлигимиз Низомий ва Навоийлардан бошланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Икки қардош халқнинг аниқ фанлар соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам қадимдан бошланган. XIII асрда яшаб ўтган Озарбайжон қомусий олими Насриддин Тусий Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синоларнинг ишларига шарҳлар ёзиб, уларнинг гоёларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Лекин унинг илм-фан ривожига қўшган энг салмоқли ҳиссаси астрономия ва математика соҳаларида бўлган. Тусий Мароға шаҳрида астрономия расадхонасини барпо этиб, сайёралар ҳаракатларининг моделларини тузган. Орадан икки аср ўтиб, жаҳон астрономия фанининг маркази Самарқандга кўчади. Мирзо Улуғбек мактабининг намоёндалари унинг илмий асарларидан кенг фойдаланган ва 1018 юлдузни тузиб, оламшумул илмий натижаларни қўлга киритган. Дарвоқе, Озарбайжоннинг Фузулий шаҳрида Мирзо Улуғбек номидаги замонавий мактаб Ўзбекистон томонидан қуриб, совға қилинганини алоҳида эслаш керак.

Ўзбекистонда астрономия фанининг бугуни ва порлоқ истиқболлари мавзусидаги маърузамизда биз ҳам Майданак обсерваториясида Президентимизнинг ташаббуси билан ўрнатилажак кўзгусининг диаметри 4 метр бўлган телескоп астрономия фанида катта бурилиш ясаши мумкинлиги ҳақида сўзладик. Озарбайжонлик астрономлар ҳам ушбу обсерваторияда ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда илмий тадқиқотларни олиб боришдан манфаатдорликларини билдиришди.

Учрашув Боку Давлат Университети ва Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти орасидаги ҳамкорлик Меморандуми имзоланиши билан якунланди.

Яна шунинг илоҳоти олиш керакки, астрономия бу ҳам Ўзбекистон, ҳам Озарбайжон учун нафақат фан йўналиши, балки йирик илмий тадқиқотларимизнинг умумий пойдевори бўлиши ҳам мумкин. Чунки бу соҳада буюк алломаларимиз жаҳон илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшишган ва бу аънаани янада ривожлантириш икки қардош халқ учун ҳам қарз, ҳам фарздор!



Элчин Сафарогли БАБАЕВ,

Боку давлат университети ректори,
профессор:

– Озарбайжон ва Ўзбекистон орасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири бу фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликдир. Бугунда Боку давлат университети Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент юридик университети каби Ўзбекистоннинг қатор етакчи олий ўқув юртлири билан шартномалар тузиб, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳамкорлик ишларини амалга ошириб келмоқда.

Озарбайжон ва Ўзбекистон буюк тарихга эга бўлган қардош халқлардир. Балки шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатларимизда буюк бобокалонларимизнинг илмий меросларини ўрганиш, тарғиб қилиш ва шу орқали ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта аҳамият берилади. Мутахассислигим бўйича астроном бўлганлигим учун Насриддин Тусий ва Мирзо Улуғбеклар илмий мактабларида олиб борилган ишларни ўрганиш ва тарғиб қилиш мен учун алоҳида аҳамият касб этади. 2023 йилда Самарқандда Мирзо Улуғбекнинг шогирди Аловуддин Али Қушчининг 620 йиллигига бағишланган Халқаро анжуманда қатнашдим. Бу йил эса Мирзо Улуғбекнинг 630 йиллигига бағишланган катта тадбирда иштирок этишни режалаштириб турибман.

Шуни гурур билан айтишим мумкинки, буюк аъналар Озарбайжон ва Ўзбекистонда давом этиб келмоқда. Ўзбекистондаги Майданак обсерваториясида ўрнатилажак кўзгусининг диаметри 4 метрли телескоп ва Суппа ясситоғида барпо этилажак 70 метрли радиотелескоп астрономия соҳасида катта бурилиш ҳосил қилиши мумкин бўлган ишбу олоҳотлардир. Биз ЎзР Фанлар академияси Астрономия институти билан имзолаган Меморандум ана шу тадқиқотларни ҳамкорликда амалга оширишга қаратилган. Ўйлайманки, бу ҳамкорлик бошқа соҳаларда иш олиб борувчи олимларимизга ҳам туртки бўлади.

– Мен Озарбайжон билан ижодий ҳамкорлигимизнинг чўққисига айланган “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуасига тўхталмоқчиман.

Мажмуада 133 нафар машҳур шоир ва адибга алоҳида жилд ажратилди. Шундан 88 нафар ижодкорнинг асарлари ўзига замонадош, услуби ва йўналиши жиҳатидан ҳамроҳанг бўлган бошқа адиб ва шоир билан битта жилдга киритилди. Яққа ўзига алоҳида жилд ажратилган ижодкорлар сони 45 нафар бўлди.

Озарбайжон адабиётига 16 жилд ажратилган. Озарбайжон адабиёти Низомий Ганжавийнинг ғазаллари ҳамда “Лайли ва Мажнун” достони билан бошланиб, мумтоз адабиётнинг йирик вакиллари Насимий, Маҳсатий Ганжавий, Ҳоқоний, Ҳайрон хоним, Хуршидбону Нотавон, Фузулий шеърятидан намуналар, шунингдек, озарбайжон драматургияси асосчиси Ҳусайн Жовид драмалари, Юсуф Чаманзаминли, Мамедсаид Ўрдубодий, Мирза Иброҳимов романлари, Самад Вурғун, Бахтиёр Ваҳобзода, Халил Ризонинг шеър ва достонлари билан давом эттирилди. Мажмуа учун Саидзим Ширвоний, Муҳаммад Ҳодий, Собир Алиакбар ғазаллари, Аҳмад Жавод, Сулаймон Рустам, Олмос Йилдирим, Микоил Мушфиқ, Расул Ризо, Наби Ҳазрий шеърлари махсус таржима қилинди. Замонавий озарбайжон адабиёти вакиллари Анар, Собир Рустамхонли, Рамиз Равшан асарлари алоҳида жилдларда тақдим этилди.



Шухрат ЗҲАМБЕРДИЕВ,

ЎзР Фанлар академияси
Астрономия институти директори,
академик:



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Рубоат

1
Пайгамбар илтижо этди:
— Эй, Эгам!
Бу дам бандаларинг кечмиши оғир!
Силламинг қурди қурғоқчиликдан —
Раҳматингни тўқин! Айт, ёғсин ёмғир!

Қавимга қарагин — бари покдомон!
Танграм, ўтмай қолди аммо кунлари.
Танграм, одаларни қийнади ёмон —
Нонга зор бўлишинг чексиз мунглири!

Дунёда қолмади бир барг яшиллик,
Ердан қад узмади бир поя бугдой.
Нақадар бенажот бу тарз асирлик —
Қору ёмғирингни юборгин, Худой!

Пайгамбар ноласи қолмас бежавоб,
Ваҳий етиб келди фалак тоқидан:
— Эй, расул, чекмагил бунча изтироб,
Қавминг чиқмагандир Оллоҳ роҳидан.

Улар яшамокда ҳалол, беозор —
Малойиклар ўқир бу ҳолга таҳсин!..
Аммо орангизда бир гуноҳкор бор,
У тавба айласин, тавба айласин!

Силласи қуриган одамлар қатор...
Ваҳийдан бир сўзни этмасдан тахир
Пайгамбар айтдиким:

— Бир гуноҳкор бор,
У тавба айласа, ёғади ёмғир.

Тез тавба айласин! Ёғар муқаррар!
Раҳмоннинг раўйини айласин рози!..
Жамоа турибди бош эгиб — музтар,
Аммо бир кимсанинг чиқмас овози.

Расулхитоб этди — ўртаниб маълул,
Уч бор нидо қилди, аммо бекорга...
Ортига бурлиб жунани расул,
Яна роз айтгани парвардигорга.

СИРЛАРУ СЕҲРЛАР ЎРТАДИ МЕНИ

Аммо етиб келди бир зумда булут,
Гулдирак “қарс” этди! Бошлади ёмғир!
Бир дамда сув оқди ариқлар тўлиб —
Оллоҳнинг қудрати нақадар моҳир!

Бир четда — уст-боши ёмғирда ивиб,
Селсебор йиғлади бир осий банда:
— Айбимни яширдинг, қодир Худойим,
Эл аро бўлмасин, дединг, шарманда!

Уятдан шол бўлди ақлиму таним,
Бир сасга қувватим етмади ҳатто!
Сен кўрдинг эгилган бошимни маним —
Айбимни яширдинг, қодир Худо-ё!..

2
Неча кун тўлғониб, қанча йўл босдим
Рухда — бу ҳадиснинг юксак сеҳридан...
Аллоҳим, тўлғониб шу шеърни ёздим —
Танграмнинг менга ҳам тутган меҳридан!

3
Баъзан жуда гўзал одамлар иши!
Бешми, олти одам (ёхуд еттига?)
Ёд этиб энг эзгу кузнинг ташвишин,
Ниҳоллар экишар кўча четига.

Уларнинг ҳовлиси эмас, бу — кўча!
Аммо бешми, олти (ёхуд еттига?)
Одам режа билан чамалаб — ўлчаб,
Ниҳоллар экишар кўча четига!

Гарчи хазон фасли авжида бу дам —
Ҳадемай, куз тугаб, кунлар қишлашар...
Аммо бешми-олти (ё етти одам?) —
Баҳор етганидай — гуллаб ишлашар.

Ёмғирдан сўнг

Нақадар тоза ҳаво —
Ёмғирдан сўнг.
Кенгайиб кетган дунё —
Бор тарафи ўнг.

Фалак бўйи анқиган
Фаришта сувга,
Майсалар — бахт шарҳида —
Юзларин ювган.

Гуллар — жаннатдан чиққан! —
Тебранар елда...
Рухда бу дам Сўзлар шаън! —
Кирмоқчи шеърга.

4
Рухимда тўлғонди хавотир — тенгсиз! —
Гўё менсиз сарсон бир улуг мақсад:
Бир улуг воқеа рўй берар менсиз,
Менсиз чекинмоқда бир эзгу сарҳад.

Дунёга дохиллик чегарасида
Яшашга кўниккан бу руху юрак,
Қариган танимнинг теварагида
Ё қафас хатарин пайқади бешак?

Юксалинг парвознинг баракатидан!
Учинг! Сизни дуо айламайман бу дам...
Сиз барпо гар умрим ҳаракатидан...
Менсиз ҳам яшайсиз аммо... Менсиз ҳам!

Ўзгирин

Бева шамол тунда увлади.
Изгирида тоғу дашт — сағир.
Гоҳ гусса уни қувлади,
Гоҳ гуссани ямлади тақдир.
Шамол чолди — жарга йиқилиб —
Товонида тош қирралари.

Бир-бирига олди тикилиб —
Зич музлади қор зарралари.
Инларига кирди жондорлар,
Изгирининг дамидан қочиб.

Иссиқ ёрда нимадир порлар...
Бўри ухлар — кўзлари очик!
Бир-бирига бош қўйиб чандон,
Думларини босиб бағрига,
Икки тулки олади ором
Ин ичида — зулмат сахнида.

Айиқ қайда? Айиқ ухлаган
Аллақачон — совуқ етган дам.
У афанди — маҳкам қулфлаган
Ўрасини шох-шабба билан.
Изиллаган совуқдан қочиб,
Аллақайга чекинган хатар.

Ана, кувен ухлайди ёлчиб,
Қўрқинч ҳадди бу дам бесамар.
Унутганча ўсиш заҳматин,
Ўзни тамою йўқотиб, беҳис —
Тандан узмай бори қудратин —
Ер тагида мудрайди илдиш:
Бева шамол тунда увлади.

Изгирида тоғу дашт — сағир.
Гоҳ гусса уни қувлади,
Гоҳ уввосни ямлади тақдир.
Шу тақдир гуфти оралаб,
Елкасида ҳасрати олам,
Борса келмас жойни қоралаб,
Қайларгадир кетмоқда одам.
Ё раб! Фақат юғурар одам —
Ботин ёшдан юраги ивиб.
Елкасига маҳкам ёпишган
Ташвиш уни бормоқда қувиб...

5
Ситам дарёси кўнглимни бузиб етмиш, э воҳ, кўзга,
Бу дарёдин демам, кечдим, бу сувлар ўзгадир, ўзга.

Илоҳим, нурларинг жилвасига қай дамки чўлғонсам,
Вужудим ларзага тушгай — шитоби сўзгадир, сўзга.

Мусаввирдек рангу дардлар аро телба талош ўлдим,
Не тасвирлар етиб кўнмиш мато кўнгилга — оқ бўзга.

6
Қисматим шаклини ошкор этурга етмагай ҳолим.
Сўфий ҳол топмадим, ё раб! Қолибман бедаъво рўзга.

7
Шеърлар ёзарда маст ўлсам, шиддатим белоён кечгай,
Умидким, етгаймен охир сенингдек бир дилафрузга.

8
Қор ёғди. Дунё оқ.
Дунё озода.
Дунёни сайр этгим
Келар пиёда.

9
Чалсам, дунё — наво,
Ҳаво — тиниқ най...
Қаршимдан сен чиқиб
Келадигандай.

10
Қор ёғди. Дунё оқ.
Дунё озода.
Хотирани кездим —
Дардим зиёда.

11
Сирлару сеҳрлар
Ўртади мени...
Не қилай? Қорда ҳам
Умрим йўқэди.

Ўзини кўриши

12
Бу гул
тун бўйи ухламаган.

13
Тун бўйи уринган.
Тун бўйи заҳмат тортган.

14
Оромимни
бир зум бузмаган.

15
Бир зум ўсишдан
тўхтамаган,
бир зум...

16
Мана,
гуллаб турибди
тонгда!

17
Мени хурсанд бўлсин, деб
деразда гуллаб турибди
бу гул...

18
— Сиз тўфайли йўлларим ёруғ, — деди аёл, —
кўёш чарақлайди уйимда,
рўзгорим зиёга қоришган,
дунём — мунаввар,
кўнглим — ҳамиша кундуз...

19
— Сен берган ёруғни йўлларга
тўшаганман, — деди эркак, —
сен берган кўёшни ёққанман уйимизга,
сенинг зиёнга қоришган рўзгоримиз,
мунаввар дунём ҳам ўзининг торттигинг,
кўнглингни
сен берган кундузлар билан ёритганман...

20
Шу тарзда
суҳбат қуришди
нурдан иборат
эркак билан аёл...

21
Кўнлар борар куз томон.
Ҳавода шеър бўйларини,
Жонга ёғар беомон —
Барнинг видео уйлари.

22
Сукунатнинг навоси,
Вақт ўртаниб чалар най,
Дилда шеърнинг ҳавоси...
Яшаб бўлмас йиғламай.

ЗАМОН ЖАДИДЛАРИ

Бу тадбирнинг кутубхонасида ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кўрасиз. Чунки унинг ўзи китобхон. Китобхон бўлганда ҳам асарни “ҳидидан ажратади”ган китобхон. Бу ҳақда Фарғонанинг Қурбонқашқар маҳалласида истиқомат қилиб келаётган Араббой Мараҳимовнинг ўзидан эшитинг.

Кутубхона қуриш фикри асли раҳматли отамиздан чиққан. 2000–2004 йиллар эди. Отам ҳаммамизни йиғиб шундай дедилар: “Қишлоғимизда маърифат тарқатадиган масканлар қолмади. Сизлар мана топарман-тутарман бўлиб қолдинглар. Бир бино курсакки, биринчи қавати кутубхона бўлса, иккинчи қаватини болалар саводхонлигини ошириш маркази қилсак. Бунинг моддий фойдасини ўйламай, беғараз маърифат тарқатувчи масканга айлан тирсак. Фақат биров пул тўлаб оғриниб ўқийдиган бўлмасин”.

Олти ака-ука отамиз айтган ташаббусни қўллаб-қувватлаб кенгашидик. Қурилишни бошлаш учун ўша пайтлардаги маҳалла комитетининг раиси Муминжон Маҳмудов орқали туман раҳбариятидан қарорни олдик. Гузардаги ёнган тўфайли аянчли аҳволга келган чойхона, сартарошхона ўрнида қурилишни бошлаб юбордик. У ерни тозалаб, текислаб, биринчи қаватини кўтариб бўлганимизда, ҳар хил миш-мишлар тарқалиб қолди. Шу жойни текинга олиб, ўзлариники қилишпти, маҳаллага тегишли бинодан тижорат қилишди каби бўлмағур гаплар оралади. Отамиз одамлар жой учун норози бўлган бўлса, қўйинглар деганларидан кейин қурган биноимизни

ТЎРТИНЧИ КЎПРИК



устини ёпиб, маҳаллага идора қилиб бера қолдик. Лекин отамнинг орзуси мени шундай ақлимни олди. Ўзлар ўтиб кетган бўлсалар ҳам, бу ўй миямдан чиқмади. Бир куни туш кўрдим. Тушимда бир бино ва унинг ичи тўла китоб. Отам китобларга термилиб турибди. Унинг тушимдаги бу қиёфаси бир умр эсимдан чиқмас бўлди. Шу куни тошкентлик дўстлар билан йиғилишганимизда отам орзуси-ю, кўрган тушимни гапириб бердим. Ўзим гапириб, ўзим режа туздим. Дўстларим ҳам бу ишни амалга оширишим кераклигини айтишди.

Эртаси куни ака-укалар йиғилишиб, гапни бир жойга қўйдик. Маслаҳатимиз бўйича, ўзимиз қуриб, маҳаллага топшириб кетган биноимиздан иккита хонани сўраб бордим. Қайта таъмирлаб, иккита катта-катта хонани ажратиб олдим. Лекин қийинчилик бошқа

бир ёқдан, кутмаган томондан келди. Энди китобхон болалар кўпчилиги бизни шошириб қўйди. Аслиям мактабнинг яқинлигини ҳисобга олиб шу жойни танлаган эдик. Лекин айнан болалар адабиётига оид китоб топиш масаласи муаммо экан. Аёлим билан икки-уч ойлаб болалар учун китоб излаб сарсон бўлдик. Жуда оғриқли нуқта экан болалар адабиёти. У ёққа чопиб-бу ёққа чопиб 3000 та китоб жамладик.

Хуллас, китобларни тердик, безадик. Кутубхонамиз очилишига Фарғонадан таниқли шоира Энахон опа, журналист акаҳонимиз Тохиржон Ҳамроқуллов, тележурналист Соҳибжон Алижонов дўстимиз, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, шоир Нодир Жонузоқ, кўшиқчи Шўхрат Дарё келди. Катта тантанаю дабдаба билан очдик. Лекин ич-ичимда бир ташвиш бор эди. Нагадир, шу кутубхонага одам ки-

рармикин, деб ўйлардим. Ишга олган кутубхоначимизга калитни топириб, Тошкентга кетдим. Йигирма кунлар ўтказиб, хабар олиш учун кутубхонага бордим. Не кўз билан кўрайки, кутубхонада бир донаям китоб йўқ. Кутубхоначи қиздан: “Сиз китоб сўраганга ўн бешталаб китоб бевормая-писизми?”, деб сўрасам, у ҳам қулиб: “Йўқ, биттадан беряпман. Ўзимизнинг кўшни қишлоқлардан ҳам келиб олиб кетишпти. Яна фалон китобни ўқиб топиришса, менга берасиз деб навбат ёздириб қўйишпти”, деб жавоб берди. Кўзимгаям, қулоғимгаям ишонмадим очиги.

Бу менга яна ҳам кучли рағбат берди. Демак, китоб фондиди кўпайтириш керак. Қишлоғимизда китобга чанқоқлар кўп экан. Очигини айтишим керак, ўзим кўп китоб ўқисам ҳам, китобнинг фарқига борсам ҳам шу кутубхона тўфайли кўчага чиқсам бўлди, китоб ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолдим. Нима китоб олсам экан, қайси асарни ҳали ўқишмади, қайси китобга эҳтиёжи кўп экан одамларни, деб ўйлайвераман.

Кейинроқ яна бир фикр келди бу бошга. Отамнинг туғилган кунлари арафасида кутубхонамиз аъзолари ўртасида давомли тарзда “Китобхон” танловини ўтказишни режалаштирдим. Ўринлар учун совринлар белгиладик. Лекин шу ерда яна хом ўйлабман. Иштирокчилар жуда кўп бўлади, деб ўйламаган эканман. Эрталаб бошланган танловимиз кечгача давом этди. Ҳеч ким кетмайди. Одамлардаги китобга қизиқиш яна бир қарра ҳайрон қолдирди мени. Завқланиб



кетиб, танлов ғолиби ўқишга кириб, шартномага тушиб қолса, бир йиллик пулини тўлаб берамиз, деб юборибман. Тождор бало сабаб тўхтаб қолган ишимизни яна давом эттириб, шу ваъдаман бажармоқчиман. Фақат танлов ўтказиладиган кунни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига кўчирмоқчимиз. Ахир отам мактабда математика фанидан 45 йил дарс берган табарруқ устоз эди. Отамнинг орзусини ўзимизнинг китобсеварлигимиз билан ҳам чуқурроқ хис қилганмиз аслида.

Чор атрафда бирор кутубхона қолмаган эди мен китоб олмаган. Болаликда мол-ҳолларимизни олиб чиқиб кетишда китобни белга боғлаб олардим. Ўртоқларим билан молнинг қозигини ўт-ўланли жойга қоқиб, давра қуриб ўтирардик. Мен уларга олиб борган китобимни баланд овозда ўқиб берардим. Шу жойда китобга муносабатим ҳақида гапириб берсам. Қишлоқ жойда тўй-маъракада сабзи тўғраш маросими бўлади. Ана шундай маросимларнинг бирида сабзи тўғрайдиган

тахта етишмай қолиб, бизнинг уйдан уч-тўрт китобни олиб, орқа томонида сабзи тўғрамоқчи бўлганида, отам тенги маҳалладошимни: “Кузингиз кўр бўлади китобда сабзи тўғрасангиз”, деб изза қилганман. Мен китобни ана шундай яхши кўраман. Энг ёмон ода-тим — бир китобни ўқишни бошласам, бошқа ҳамма ишларим қолиб кетади. Бир неча жылди китобни ўқийман деб ҳафталаб уйдан чиқмаган кунларим бўлган. Менга қайси китобни яхши кўрасиз, деб савол беришмаса дейман. Қайта-қайта энг кўп ўқиган китобим — Стендалнинг “Қизил ва қора” романидир. Адашмасам шу асарни ўн марта ўқиган бўлсам керак. Деярли ҳар йили ўқийман ва ҳар ўқиганимда бошқа бир китоб ўқийтгандай бўламан.

Дадам раҳматли бир пайтлар: “Китоб — Учкўприкнинг тўртинчи кўприги, у сени Тошкентга олиб бориб боради”, дерди. Мен эса, бугун: “Эй ёшлар, бу кўприк сизни кенг дунёга олиб чиқади”, дейман.



ТОПИЛДИК



Абдурауф ФИТРАТ

НЕЧУН
СЕЗМАГАНСАН?

(Чигатой гурунги)

Учрагач сенга булутдек ўқурдим,

Изингдан тушуб кундек югурдим.

Озгина турмадин!

Йироқда қолғач, кувшдек юзингдан,

Телмуруб қолдим ўртаниб кул ўлдим.

Қайрилиб боқмадинг!

Ўтирдим, туташ сен учун ўйладим,

Сен учун йиллаб қўшқлар сўйладим.

Халоскорим билдингми?!

Тупроқлар каби йиқилдим йўлингга,

Югурдим итдек соғингда-сўлингга.

М... сездингми?!

Кувш сингари ёруб келганингда,

Гул каби клуб ҳолим сўғонингда

Қип-қизил ёшдан кўзим тўлмадим?

Нечун билмагансен?!

Нечун сезмагансен?!

"Иштирокион" газетасининг 1919 йил
130-сонидан олинди.ҚАДРДОН СИЙМОЛАР ТУРК
КИНОИЖОДКОРЛАРИ НИГОҲИДА

Бошланиши 1-саҳифада

Бу борада Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги томонидан ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Шунингдек, хоржий кинокомпаниялар, телеканаллар билан ҳам бу йўналишда ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Туркия давлат телерадиокомпанияси (TRT) ҳамкорлигида кўп қисмли "Зиёрат: Олтин силсила" ҳужжатли фильми суратга олинди ва Туркия телеканалларида намойиш қилинди. Ушбу туркумда Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Абдуҳолиқ Фиждувоний, Хожа Али Рометаний, Анжир Фағнавий сингари буюк авлиё ва мутафаккирлар ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси ва зиёратгоҳлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилган.

Туркия давлат телерадиокомпаниясига қарашли "TRT-Avaz" телеканали 2021 йилда "Илдизлар изидан" туркумидан жадид боболаримиз ҳақида ҳужжатли фильмларни суратга олган. Яқинда ана шу туркумга кирган Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдуллоҳ Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақидаги фильмларни томоша қилдик.

Таъкидлаш жоизки, бу фильмларнинг ҳар бири режиссёр Эркин Булбул бошчилигида алоҳида илмий ва ижодий ёндашув асосида, профессионал даражада суратга олинган. Фильм сценарийси доктор Якуп Умероғлуға тегишли.

Фильмнинг ҳар бешала қисмида деярли бир хил олим ва мутахассис-

лар, жумладан Шуайп Каракаш, Орхан Сўйлемез, Фатма Ачик, Йилмаз Ўзкая сингари туркиялик тадқиқотчилар интервью беришган. Шунингдек, Ўзбекистондан бориб, Туркияда таҳсил олаётган, илмий изланишлар билан шуғулланаётган Гулбахор Сатторова, Мурод Холметов, Воҳид Жалолов сингари ҳамюртларимиз, афғонистонлик ўзбек зиёлилари – Муҳаммад Собир Коргар, Иззатулла Зеки ва бошқалар улғу жадиждаримиз ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган.

Фильмларда бадиий саҳналарга кенг ўрин берилганлиги томошабин эътиборини ўзига жалб қилади. Муаллифлар Абдулла Қодирий, Чўлпон, Бехбудий, Фитрат ва Мунаввар қори сиймоларини ёш актёрлар ижросида жонлантиришга ҳаракат қилишган. Албатта, бу фильмларда тарихий шахсларнинг реал ташқи кўринишига мос қиёфаларни танлашга жиддий ёндашишса яхши бўларди. Чамаси, Мунаввар қори, Чўлпон ва Қодирийни экранда қозоқ ё кирғиз актёрлари жонлантиришга кўринади. Уларнинг ўрнига Ўзбекистондан актёрлар таклиф қилинса ёхуд Туркияда фаолият кўрсатаётган ўзбек ёшлари ўртасида танлов ўтказилса, фильмлар янада ҳаққоний чиққан бўлур эди.

Фильмларнинг асосан Туркия ҳудудида суратга олинганлиги кўришиб турибди. Суратга олиш ишларининг бир қисми Ўзбекистонда амалга оширилганида, юртимиздаги жадиждар фаолияти билан чуқур шуғулланган таниқли олимларимиз билан суҳбатлашилса, нур устига нур бўларди.

Аммо, бу жузъий камчиликларга



Фирдавс АБДУҲОЛИҚОВ,

Маданият вазирлиги ҳузуридаги
Кинематография агентлиги директори

қарамай, туркиялик киноижодкорларнинг ўзбек жадиждар ҳаётини ёритишга бўлган бу интилишларини юқори баҳолаш, имкон қадар фильмларни ўзбек тилига таржима қилиб, телеканалларимиз орқали намойиш этиш лозим. Ушбу фильмларда илмий жиҳатдан у қадар катта янгиликлар бўлмаса-да, Туркия жамоатчилигига, ёшларга улғу маърифатпарварлар ҳаёти ва жасоратини англатишда, уларнинг ижодий мероси билан яқинроқ таништиришда, жадид боболаримизга нисбатан турк зиёлилари, олимларининг нуқтаи назари билан танишишда ёрдам бериши мумкин.

Шунингдек, ҳозирги вақтда Туркия Давлат телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Кинематография агентлиги ҳамкорлигида "Мовароуннахр" лойиҳаси устида музокара оlib бориляпти. Бу лойиҳа асосида қадим Мовароуннахр тарихи, кўҳна шаҳарлари ва тарихий обидалари, бу ҳудуднинг дунёга машҳур алломалари ҳақида биргаликда туркум фильмлар тайёрлаш кўзда тутилган.

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

ОЛМОН ОЛИМИ ТАН БЕРГАН ЭДИ...

...1905 йил Берлинда "Туркистонга саёҳат" номли каттагина китоб чоп қилинади. Китоб муаллифи Берлин университети профессори Эрик Зигмайер Чор Русияси мустамакаси бўлган Туркистондаги бир қатор шаҳарлар, шунингдек, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини кезиб чиққан ва йўл таассуротларини (суратлар билан) қаламга олган.

У Хива хонлигидаги Хонқа беклигида уч кун бўлгани, беклик ҳокими — ўттиз яшар йигитнинг уйда ҳавас қилгулик кутубхонаси борлиги, ҳудудда эски ва янги тизимдаги мактаблар фаолият юритаётгани, пахта, кўнни қайта ишловчи ўнлаб завод ва фабрикалар тўхтовсиз ишлаётганини ҳайрат билан кўрган.



...Бекликдан Хивага қайтаётган даврини тасвирларкан Эрик Зигмайер шундай ёзади: "Биз овураликлар шарқликларга паст назар билан қарашга одатланганимиз. Дунёқараш, билим ва салоҳияти жиҳатдан бугунги мезбон меҳмонлардан анча устун эди..."

Рус олими Н.Ликошин ўз хотираларида Хонқа беклиги ҳокимининг уйда қимматбаҳо, ноёб китобларга бой шахсий кутубхона борлиги, Чор Русияси марказий шаҳарлари, шунингдек, Богчасаройда чоп қилинадиган "Таржумон" газетасининг деярли барча сонлари тахламлири сақланаётгани, уй эгаси иморатини овурапача усулда қурганини эътироф этган.

Яна бир рус олими А.Самойлович ўз хотираларида бу инсоннинг олти тилни билиши, ўз дунёқарашини бўйича бошқа хон амалдорларидан тамомла ажралиб туришини ҳайратла ёзади.

Йигирманчи асрнинг биринчи чорагида хонлик, сўнг Хоразм Халқ Республикасига йўли тушган кўлдан-кўп сайёҳлар, олимлар албатта Хонқага бормаи орта қайтишмаган. Хонликдаги энг катта бекликда ҳоким лавозимида ишлаётган инсон Европа тилларини билиши (инглиз, француз тиллари) хоржиликларнинг эл ҳаёти билан яқинроқ танишишларида қўл келган.

Кўлдан-кўп таниқли олимлар тан берган бу инсон ким?

У 1873 йил баҳорда — Чор Русияси хонлики илкига киритиш учун уч томондан қўшин тортиб келаётган кезларда Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Шўрохон беклигида дунёга келади. Отаси шу беклик ҳокими вазифасида ишлаётганди.

Авал эски мактабда, сўнг Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олади. Петро-Александровск (Тўрткўл) шаҳрида иш

Хоразм Халқ Республикасида зироат (қишлоқ хўжалиги) нозир вазифасига тайинланиши беҳудага эмас.

У кейинчалик Қўйи Амударё минтақасини сув билан таъминловчи "Упрadis" ташкилотининг бош муҳандиси ҳам бўлиб ишлабди.

Юртда рўй берган янгиликлар жараёнидаги хизматлари учун ХХРнинг "Меҳнат" орденига мушарраф бўлган, Москва ва Санкт-Петербургда шўро раҳбарлари билан ўтказилган музокарада қатнашган, янги республика мустақиллиги учун жон куйдирган — бу иши билан бошини кундага қўяётганини яхши билган шахс фаолиятида жадиждиликнинг барча ютуқ ва камчиликларини учратамиз.

Афсуски, шундай!

...Гап Муҳаммад ҳожи Аминаддин ўғли ҳақида кетаяпти.

...1934 йилда Қўйи Амударё минтақасида 400 минг гектар ерларни ўзлаштириш бўйича лойиҳа ишланган. Москвалик олимлар тавсиясига кўра ишлаб чиқилган лойиҳа муаллифлари орасида ерлик миллатдан ёлғиз Муҳаммад ҳожи Аминаддин ўғли бўлган. Айни шу лойиҳа муҳокамаси вақтида мосқалик академик билан тортишиб қолиши, воҳани минг йилларки сув билан таъминлаб турган арна, ариқлар ўзларини ўзгартириш, шу орқали гўё "қўшимча ер майдонлари очил" ҳақидаги илмий асосиз қарашларга тўғридан-тўғри қарши чиқиши — ўз даври учун катта жасорат эди. Негаки, воҳани мисли қон томилари каби чирмаб олган, қадим боболар ақли салоҳияти билан қазилган арна, ариқларни йўқ қилиш қадим Хоразмни Қорақумга ем қилиб юбориш дегани эди. Буни мисли сифатида у яхши биларди — боболар тажрибасини ўз гарданида неча марта синаб кўрганди.

Бу жасорат унга қимматга тушади — воҳа сув таъминоти учун масъул идорадаги иккинчи раҳбарлик лавозимида бўшатиб, дарё ортидаги энг кичик қишлоққа мироб қилиб юборишди.

1937 йил 18 октябрь кун Тўрткўл бозорига бораётган вақтида энкеведи ходимлари томондан ҳибсга оlinиб, зудлик билан Тошкентга жўнатилади.

"Хон амалдори" тамғаси остида қатагон машинасининг қонли гилдирақлари остига ташланган 65 яшар кекса мироб 1938 йил 18 февралда Зангиотадаги "Туясарой" қамқонхонасида вафот этган ва улғу авлиё кўнимгоҳига дафн қилинган.

Жадиждилик ғояларини хонликдаги амалдорлар ёқтиришмаган, кези келганда янгиликларни қатагон ҳам қилишган. Хива хони бош вазир Исломуҳжа бундан муастасно. Бу инсон бир аср илғари чекка ҳудудда — хонликда тараққийларар кучларни ўз ҳимоясига олади, уларни қўллаб-қувватлайди, мактаблар, касалхона, телеграф куриш каби ишларга бошчилик қилади. Ва айни шу тараққийларарлиги учун вақт келиб куёви бўлмиш хон амри билан қирқ ёшида ваҳшийларча ўлдирилади.

Исломуҳжа ва Муҳаммад ҳожи фикран яқин инсонлар бўлишган. Буни ҳар иккиси элдош — хонқалик бўлгани билангина боғлаш каби фикрлардан чекинамаз. Уларни ўзаро боғлаган нарсас — дунёда бўлаётган ўзгаришлардан четда қолган хонликини иқтисодий, маънавий юксалтириш, бунинг учун аввало таълим тизимини изчил йўлга қўйиш, техника тараққийти янгиликларини юртга олиб келиш, ёшларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, асрларки қотиб қолган бидъатлар, диний мутаассибликдан ҳалос бўлиш. Энг асосийси, юртин озод қилиш — мустамакачилик балосидан қутқариш! Ушбу фикримизни у инсонга қўйилган айблов тасдиқлайди.

Қатагон даври ҳужжатидан иқтибос:

"...1937 йил 3 ноябдаги "учлик" томонидан қуйидаги маҳбуслар 10 ва 8 йилга қамқонга ҳукм қилинганлар:

...240. Аминатдинов Ҳожибой ҳоким — 1873 йилда туғилган. Хонқа районидан. Муқаддам қулоққа тортилган. Хонқа ҳокими бўлган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоли бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борилганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 18 октябрдан ҳисобланган. Қамқонхонада вафот этганлиги учун "иш" тўхтатилган.

... Юрт ободчилиги, райят фаровонлиги учун жон фидо қилган инсоннинг номи, меҳнатлари истиқлол туфайли қадрини топти, жадид бобомиз ҳақида роман-эссе, дostonлар яратилди, ҳужжатли кино ишланди.

...Берлинлик дунё кезган профессор Эрик Зигмайер уч кунлик мулоқоти давомида бу инсонга беҳуда тан бермаган-да!

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

ХОТИРА АЗИЗ

(Бошланиши ўтган сонда.)

Саидмуродов Устанур — Бухоро сектори тақдим қилган 2339-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1878 йили туғилган, Бухоро шаҳридан. Бухоро Халқ совет республикасининг собиқ молия вазир. "Шўро Исломи" ташкилотининг аъзоси, сўнгги вақтларгача миллатчи, аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси бўлган. "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси сифатида унинг раҳбарлари билан алоқада бўлганликда ва ташкилотнинг алоқалар бўйича топширигини бажариб турганликда айбланган.

ҚАТАҒОН
ҚУРБОНЛАРИ

Назаров Очил — Бухоро сектори тақдим қилган 2433-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1882 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ қулоқ, савдогар, ўтмишда амир амалдори, қулоққа тортилган. Аксилинқилобий, миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси сифатида аҳоли орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

Ҳўжаниёзов Тўлаган — 1925 йили ўғирлик ва камомат учун ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 4-бўлим тақдим қилган 4544-сонли иш бўйича 5 йил қамқонга ҳукм этилган. 1883 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, эсерлар партияси аъзоси, 1919 йили Тошкентда Осипов кўзғолонида иштирок этган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоли бўлмаган. "Миллий иттиҳод" ва "Миллий истиқлол" ташкилотининг аъзоси бўлиб, доимий равишда аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчи тарғибот олиб борганликда, "Равнакул — Исломи" номи остида ўзи ёзган аксилинқилобий, миллатчи шърлар ўқиганликда айбланган.

Валихўжаев Турсун — Жиззах район бўлими тақдим қилган 4892-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1900 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, руҳоний, эшон оиласидан, ўзи савдогар бўлган. Аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, 1926 йилдан ВКП (б)нинг собиқ аъзоси, 1937 йили "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида партиядан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда машғулоли аниқ бўлмаган. "Миллий иттиҳод" ташкилоти топшириги бўйича 1992 йили милицияга ишга кириб, босмачиларга қурул ва маълумотлар бериб турганликда, аҳоли орасида миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Ҳўжаев Муҳаммадҷон — Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 1726-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1898 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, собиқ савдогар. "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун олий жазога ҳукм этилган. Кейин 10 йил қамқон жазосига ўзгартирилган. Ҳибсга олинган вақтда дўконда касирилик қилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчи тарғибот олиб борганликда айбланган.

Сайфутдинов Сотиболди — Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1635-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1886 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, савдогар ўғли. 1917-1918 йилларда аксилинқилобий, миллатчи, "Шўро Исломи" ташкилотининг аъзоси. Қўқон мухторияти ҳукумати даврида қурулти оtryадлар ташкил этиш ишларини олиб борган. 1919 йилдан "Миллий иттиҳод"нинг аъзоси. 1927 йили 1 вагон пиллани ноқонуний сотиб юборгани учун 6 йил қамқонга ҳукм этилган. 1936 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамқонга олинган, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ дўкони директори бўлган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Шокиров Мирзахон Махсум — Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1678-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1888 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, собиқ савдогар. 1918 йили "Шўро Исломи" ташкилотининг аъзоси бўлган. Қўқон мухторияти ҳукумати даврида оtryадлар ташкил этишда иштирок этган. 1919 йилда "Тараққийларар" ташкилотининг аъзоси, қулоқ қилишдан қочиб кетган, ҳибсга олинган вақтда ҳаммомда қорувул бўлган. Аҳоли орасида аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Қосимов Ҳошим — 1882 йили туғилган, Киров райони Ҳожибек қишлоғидан қулоққа тортилган. 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамқонга ҳукм этилган. Ҳибсга олинган вақтда кооперацияда қорувул бўлган. "Миллий иттиҳод", "Шўро Исломи" аксилинқилобий ташкилотларига аъзо бўлганликда, доимий равишда қолхозга қарши тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчиликни ташвиқот қилганликда айбланган.

Ғиёсов Сирожддин — 3378-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. 1900 йили туғилган, Наманган шаҳридан, "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий гуруҳ аъзоси, ҳибсга олинган вақтда Ўзбекторг дўкони мудри бўлган. Аҳоли орасида доимий равишда исёнчилик, мағлубиятчилик ва аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

Аҳмад Қори Тожихўжаев — 3440-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. 1887 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ савдогар. Ўтмишда "Миллий иттиҳод" ва "Нашир Маориф" миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, ҳибсга олинган вақтда артел бўёқчиси бўлган. Аҳоли орасида доимий равишда миллатчилик, мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, террористик кайфиятда бўлганликда айбланган.

Мир Обид Махсумов Ҳурмат — 4953-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат ва тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. 1885 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ савдогар, судланган. Ҳибсга олинган вақтда Райисполкомда ишчи, ўтмишда собиқ полициячи ва "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Атрофидоғлар орасида аксилинқилобий тўхмат тарғиботи олиб борганликда, совет ҳукуматига қарши курашга қақирганликда, революциядан олдинги тузумни мақтаганликда айбланган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим

(Давоми келгуси сонда.)



ҲАЖВИЯ



Бу ароба...

(Устозлар оҳангида)

Шошнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёғду билан,
Умрини таксист "питак" да утказар орзу билан.

Тўқсон икки деб қуйилган бензининг саксон ахир,
На иложки, бу ароба юрмаса досув билан.

Одаму авто дудидан булғаниб кетди ҳаво,
Чеквол! Оғунинг шифоси дейдилар оғу билан.

Барча захр ўпкамга тўлсин, дуд-ғубор хўплаб яшай!
Барибир, кўпга боролмам ишқ деган қайғу билан.

Қор ёғар – дардим давоси, покларан иплос ҳаво,
Бул нафасни аҳли гафлат утказар уйку билан.

Уйқуни кўздан қувиб, газни босибманки чунон,
Ҳем минитда юзлашибман Ўрдаю Чорсу билан.

Во дариг, чиқсун кўзим, Боймат ила кўрдум сани,
Ким кўрибдур топганин бахт хангини оху билан?!

Қору ёғғирда югурсам, телбаму деб ўйлама,
Таксичинг машғулдурур, ёр, айни пайт кунг-фу билан.

Таксичи №1 – Акбарали МИРЗО



Хусан СОДИҚОВ чизган расмлар.

ТИЛБИЛИМ

"Тақиқ" сўзини "таъқиқ" деб хато ёзиш ҳоллари кўп учрайди. Хўш, нега "таъқиқ" деб ёзиб бўлмайдими?

Аслида, айриш ёки тутуқ белгиси ("ъ") ҳеч қандай товушга эга эмас, соф туркий-ўзбекча сўзларда умуман ишлатилмайдими, ундан фақат араб ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзларни ёзишда фойдаланамиз. Арабий сўзларда "ъайн" ("ع") товуши, "ҳамза" ("ء") ёки "суқун" белгилари иштирок этса, уларни ўзбек тилида "ъ" билан ифодалаймиз, мисол: қатъий بېقىقتا, масъул لىۋىسىم, "таъқиқ" بېقىقتا... Яъни, "ъ" билан ёзиладиган сўзларимизнинг ҳаммаси ўзлашган сўзлардир.

Демак, шу кичик белги ҳам, гарчи товуш билдирмасда, сўзнинг этимологияси билан боғлиқ муҳим маъно таширкан. "Тақиқ"ни ҳам агар "таъқиқ" деб ёзсак, унинг илдирилари бошқа тил, хусусан, араб тилидан излашимизга тўғри келади. Келинг, излаб кўрамиз.

1981 йили чоп этилган "Ўзбек тилининг изоҳли лугати" да "ТАҚИҚ" сўзи арабча ёки бошқа тилдан

ўзлашган, деб айтилмаган. Бу эса сўзнинг бошқа тилдан ўзлашмаган, соф ўзбекча эканлигини ёки, камдан-кам ҳолларда, олимлар сўз этимологияси-ни аниқлаб олмаганини билдиради.

2006-2008 йилларда ўзбек тилининг янги, тўлдирилган беш жилдли изоҳли лугати чоп этилди. Дейлик, 1981 йил изоҳли лугатида 60 минг сўз ва сўз бирикмалари бўлса, кейингисиде уларнинг сони – 80 мингта. Янги нашрда кўпгина сўз ва уларнинг изоҳлари эски лугатдан ўзгаришсиз айнан кўчирилган, фақат баъзилари бироз таҳрир қилинган.

Шундай таҳрирге учраган сўзлардан бири – ТАҚИҚ, юқориде таъқиқлаганимиздек, эски изоҳли лугатда бу сўз араб ёки бошқа тилдан ўзлашган дейилмаган, яъни соф ўзбекча сўз сифатида изоҳланган, янги лугатда эса унинг араб тилидан ўзлашгани айтилади ва унга арабча قىيقتا шакли келтирилади. Агар чиндан ҳам "тақиқ" арабча бўлсаю "таъқиқ" (بېقىقتا) сингари суқунли "айн" билан ёзилса, уни ҳам "тақиқ" эмас, "таъқиқ"

деб ёзсак тўғри бўлмайдими? Мана, янги лугатда келтирилган ўша изоҳ: "ТАҚИҚ [ا. قىيقتا – узши, тўхатиш, қулоқ солмаслик, буйсунмаслик] ман, қатағон" (ЎТИЛ.Т.2008. V.37-бет).

Хўш, бу сўз арабча бўлса, қайси феълдан ясалган? Араблар ҳам уни ишлатишадими? Шу каби саволларга жавоб излаб камина арабча лугат ва матнларда изланиш олиб бордим. Лекин ҳеч бир арабча лугат ёки матнда тақиқ ёки таъқиқ (قىيقتا) сўзини учратмадим. Араб тили грамматикаси қоидаларига кўра, бу сўз арабча قىيقتا ("ъаққа") феълдан ясалган бўлиши мумкин. "Ъаққа" (ق) феъли чиндан ҳам лугатда: "узши, кесиш, қулоқ солмаслик, буйсунмаслик" каби маъноларни билдиради, лекин ундан "таъқиқ" (قىيقتا) масдари ясалганлиги бирон бир манбада келтирилмаган (Қаранг: АРС.Х.К.Баранов.М.1989.522-526).

Арабларнинг ўзлари "тақиқ" маъносиде "манъ" (مَنْع) ва бошқа сўзлардан фойдаланишади,

масжидга қатнайман. Кенноним мени маст ҳолимда машинага миндирворганим?

– Ие, ўша сизмасминдингиз?
– Албатта, менмас-да! Ўша пайтда заводда сменада бўлганман.

– Ие, унда кимни машинага солворган?
– Мен қайдан билай? Хотиним ўғлимни дадангни бориб олиб кел деб, чиқарворгандан кейин, бир шопир ғирт маст бир одамни уйимизга олиб келибди. Хотиним: бу менинг хўжайиниммас, эримни нима қилдинглар, деб кўрқиб кетибди. Буни қаердан топган бўлсангиз ўшаққа обориб ташанг, депти хотиним. "Пулини ким тўлайди, – депти шопир. – Мана шетга ташлаб кетаман, ўзимниям жонимга тегиб кетди", депти. Охири, хотиним пул бериб, жўнатворибди. Кеннонимга айтинг, бунақа тўхмат қилмасин. Хотиним билан қанча айтишдик.

Уйга келгач, хотиндан суриштирдим:
– Хотин, сен анови поччани яхши танийсанми ўзи?!

– Танимай нима. Қариндош бўлса...
– Ўзи неча марта кўргансан уни?
– Бунақа мижинглашингизни билганимда санаб юрардим. Тинчликми?
– Ўша кунни бошқа одамни уйларига жўнатворган экансан посилка қилиб.
– Ҳечам-да! Ўппа-ўзи эди. Энди тан олмаяптими? Ор қилаётгандир-да. Ичишни билган, тан олишним билиши керак-да. Ўзи буларга яхшилик қилган мен аҳмоқ! Пулни сўрадингизми?
– Қандай сўрайман. Қайтага етказилган маънавий зарар учун бизни судга бермаганига хурсанд бўлавер.

– Нима-а? Шу пулни бермаслик учун эр-хотин гапни бир жойга қўйган. Ўзи одамларга яхшилик ёкмайди...

Шу билан хотиним одамларга яна нималар ёкмаслиги ҳақида нутқ ирод қилди ва ҳар доимги хулосасини такрорлади: эркакларнинг бари бир гўр!

Шу пайт Турдикул: "Устозжон, сизни бир кўриб ўтай деб, беш минутга кирдим", дея бош суқди ва хотиним унинг поччаси ҳамда опасининг асл башараларини очиб ташлади. Шўрлик Турдикул қариндошининг чакагини учирши учун йўлқирани икки баробар тўлаганча кўннинг расмини чизди...

... Ўша почча билан кўча-қўйда учрашиб қолсак қариндоши – хотинимни сўраб қўяди. Мен ҳам ҳазиллашаман:

– Сизам унча-мунча олиб турибсизми?
– Начора?.. Бадном бўлишга бўлдиқ-ку, акажон. Ха-ха-хаааа...

Оллоёр БЕГАЛИЕВ



"ТАЪҚИҚЛАШ"НИ ТАҚИҚЛАШ

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗУВЧИЛАР УОШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ

"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари:
Хумоюн Акбаров

Навбатчи муҳаррир:
Гулҳебра Умарова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят
нуқтаи назаридан
фарқланishi мумкин.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 4507
Лотин ёзувидаги адади – 11831
Буюртма: Г – 140
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgt@mail.ru (71) 203-24-17

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:10
Сотувда нархи эркин.



Абдувоҳид ҲАЙИТ